

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (10.922)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар



Кечка сатрларда

● **БУГУН** Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида 14 июнь—Халқаро донорлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда шифокорлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Халқаро донорлар кунига бағишлаб «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонасида Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар бўлими ходимлари, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши фаоллари, ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди, катнашчилар беморларга беғараз ёрдам сифатида донорлик қилишди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилган кўргазма «Ислон маданияти равнақ тоған юрт» деб номланди.

● **БУГУН** Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Гулшан аро гулдаста» деб номланган адабий-бадий кеча уюштирилди. Унда ўқитувчилар, битирувчи босқич талабалари иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида рақс тўрагаги аъзолари иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Рақс жилоси» деб номланди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 2-мусика мактабида «Кўшиқ байрами» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

● **КЕЧА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан фаоллар, ёшлар иштирокида ташкил этилган анжуманда 2005 йилдан то шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** халқаро аэропорти ёқилғи-мойлаш таҳлил лабораторияси бизнеси замонвий усулда таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

● **ТОШКЕНТ-Палас** меҳмонхонасида КЕЧА Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан чет эл элчихоналари ходимлари, дипломатик корпус вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир Россия кўни муносабати билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида Россия кўни муносабати билан байрам тадбири ва концерт томошаси ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

Пойтахтимиздаги «Spentex Tashkent Toytera» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси йилгига 57 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирги кунда бу ерда 4,5 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

— Замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши маҳсулотимиз сифатли ва рақобатбардош бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди бош директор Сантош Кумар Жейн. — Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда. Айни пайтда бу ерда кўшимча ускуналар ўрнатилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ортди.

Шунингдек, корхонада тўқув ишлари ҳам йўлга қўйилиш арафасида.

СУРАТЛАРДА: қадокловчи Розия Жабборова; корхона фаолиятдан лавҳалар.

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар



ПОКИСТОН НАШРЛАРИДА ЎЗБЕКISTON МАВЗУСИ

ПОКИСТОННИНГ КВЕТТА ШАҲРИДА «БЭЛУЖИСТАН ТУДЭЙ» («BALUCHISTAN TODAY») ЖУРНАЛИНИНГ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИГА БАҒИШЛАНГАН МАҲСУС СОНИ ЧОП ЭТИЛДИ.

Ушбу сондан жой олган мақолаларда юртимиз тарихи, кўҳна ёдгорликлари, буюк олимлар, файласуфлар, давлат ва дин арбоблари ҳаёти ва фаолияти, мамлакатимизнинг бугунги кўни, мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топган.

«Ўзбекистон — кўҳна цивилизациялар мамлақати» сарлавҳали мақолада юртимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, Ўзбекистонда қадимий ёдгорликларни, ўзбек халқининг маданий-тарихий ва диний меросини кўз қорачиғида асраб-авайлаш юзасида кенг қўлланилган амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланади. Шунингдек, мамлакатимизда қадимий шаҳарлар, буюк олим ва мутафаккирлар, давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар юбилейларини кенг нишонлаш яхши аниҳанга айлиниб қолгани журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

«Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида ЮНЕСКО шаъфелигида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик, Қаршининг 2700 йиллик, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг 660 йиллик, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Баҳауддин Накшбанд, Алишер Навоий ва инсоният цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўлган бошқа кўплаб атоқли алломаларнинг юбилейлари нишонланди», деб ёзади «Бэлужистан Тудэй».

Журнал ҳозирги пайтда Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги ҳамда хорижий давлатлар билан ўз халқи фаровонлиги ва гуллаб-яшнашига, тенг ҳуқуқлилик ва ҳурматга асосланган ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ўрнатишга йўналтирилган мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бораётганини қайд этади.

(Давоми 2-бетда)

12-13 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ж.Акрамов маъруза қилди. Маърузачи қонун лойиҳаси автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигини таъкидлади. Лойиҳада автомобиль йўлларининг таснифи берилган, автомобиль йўлларининг баҳарадиган вазифаси, параметрлари ва йўл ҳаракати шароитларига кўра улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, автомобиль йўлларини тасарруф қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган. Мазкур ҳужжат қабул қилинган, ижро қилувчи органлар транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг пухта ҳуқуқий базасига эга бўладилар, бу эса мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашади.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Автомобиль йўлларини аниқ таснифлаш, уларни қуриш учун ер участкалари бериш, бу соҳадаги бошқарув ва турли органларнинг ваколатларини белгилаш, автомобиль йўлларини молиялаштириш, қуриш ва сақлаш масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши автомобиль йўлларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга депутатлар ҳужжати янада такомиллаштиришга қаратилган қатор фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида баён этилган тақлифлар ҳисобга олинганидан кейин уни қайта иккинчи ўқишда кўриб чиқишга қарор қилди.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилоят Адлия бoshқармасида Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатланиши мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ёш истеъдодларни кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган анъанавий «Ниҳол» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди. Муллатўйчи Тошмухамедов номли вилоят мусикали драма театрида ўтган танловда 20 га яқин ҳаваскор белгиланган йўналишлар бўйича ўз истеъдодини намойён этди.

● Учқудук туманида республикамиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилоятида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига киритилган дастлабки иншоот—Гўдақлар уйи тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Барча шарт-шароитларга эга мазкур бино Гулистон шаҳрида қад ростлади.

● Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳи Куала-Лумпур шаҳрида «Пекин-2008» Олимпиада ўйинларининг футбол мусобақаларида катнашиш ҳуқуқини берадиган саралаш ўйинларининг сўнги босқичига қўра ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра Ўзбекистон олимпия терма жамоаси «В» гуруҳида Жанубий Корея, Баҳрайн ва Сурия футболчилари билан баҳс юритади.

● Сурхондарё вилояти маркази — Термиз шаҳрида «Гиппократ-Термиз» хусусий шифохонаси иш бошлади. 10 нафарга яқин маалаки врач ва ҳамшира фаолият кўрсатаётган ушбу тиббиёт масканида ошқозон-ичак ва юрак хасталиқлари билан оғриган беморларни даволаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

● Урганч шаҳрида ўрта тиббиёт ходимларининг вилоят спартакиадаси ўтказилди. Унда 135 та даволаш-профилактика муассасаларининг шифокорлари 15 та жамоа таркибида спортнинг 8 тури бўйича беллашдилар.

● Фарғона Давлат политехника институти қошида Миллий ғоя ва мафкура, маънавий-маърифий ишлар услубиёт маркази ўз фаолиятини бошлади.

● Самарқанд шаҳридаги «Ятро-инвест» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонасида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу харидорталаб маҳсулотларни миқозларга ўз вақтида етказиб бериш мақсадида кўшма корхонанинг 80 кишилик жамоаси бир кеча-кундузда 2200 донагача шифер тайёрлашга эришмоқда.

● Марғилоннинг «Иқбол» маҳалласидаги «Ният барор» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси Хитойда дастлабки ишлов берилган кўк ва қора чойни қадоклашни бошлади.

ЖАҲОНДА

● Венесуэла Президенти Уго Чавес Куба раҳбари Фидел Кастро тақлифига биноан мамлакат пойтахти Гаванага ташриф буюрди. Маълумотларга кўра, икки давлат раҳбари 6 соат мобайнида суҳбатлашган. Айни пайтда Фидел Кастро ўзини яхши ҳис қилаётганини айтган бўлсада, бироқ унинг раҳбарлик фаолиятига қайтиши ҳақида гап-сўзлар билдирилмапти.

● Украина президенти Виктор Ющенко Олий Рада спикери Александр Мороздан парламент фаолиятини тўхтатишни талаб қилди.

● Кеча Ливан пойтахти Байрут шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати—миналаштирилган машинанинг портлаши оқибатида парламент депутати Валид Эй До, унинг ўғли ва яна 8 киши ҳаётдан кўз юмди, 10 дан ортиқ киши жароҳатланди. Шу муносабат билан Ливан парламентининг навбатдаги мажлисини депутатлар бир дақиқалик сукут билан бошлашди.

● Таиланднинг собиқ бosh вазир Тақсин Чинаватга ўз ватанига қайтиш ва ўзига нисбатан эълон қилинган айбловлардан сўдда ўзини ҳимоя қилиш имкони берилди. Муваққат ҳукумат раҳбари Сурают Чуланоннинг айтишича, Чинават ҳарбий хунтанинг руҳсатини кутиб ўтириши шарт эмас. У Таиландга келиб антикоррупция комиссияси эълон қилган айбловларнинг нечоғлик тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлаши лозим.

● Фаластин мухториятида ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасидаги зиддиятлар тобора авжига чиқмоқда. Фақат кейинги икки кун мобайнида ўзаро отишмалар чоғида 40 киши ҳаётдан кўз юмди. Жумладан, кеча Ғазо секторидида БМТнинг бу ерга тинчликни сақлаш учун юборилган 2 нафар ходими ҳам ўлдирилган.

● Хитой раҳбарияти мамлакатда аҳоли фамилиясининг сонини кўпайтиришга мажбур бўлмоқда. Айни пайтда аҳолининг 85 фоизи, яъни 1,3 миллиардига жами 100 та фамилия тўғри келади. Эндиликда Хитойда ота-оналарга фарзандлари фамилиясини 2 хил қўйишга рухсат берилмоқчи.

● Португалиялик машҳур дарвозабон Виктор Байя қатта футболни тарк этишини билдирди. Байя 1988 йилдан буён «Порто» клубида тўп сураётган бўлиб фақат икки мавсумгина Испаниянинг «Барселона» жамоасида ўйнаган. Таъкидлаш керакки, 37 ёшли Виктор Байя Европанинг барча халқаро кубокларининг соҳиб бўлган.

2007 – Ижтимоий ҳимоя йили

“ЎЗБЕКISTON – ВАТАНИМ МАНИМ”

УЛҒАЙИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДНИ ЖИСМОНАН ЕТУК, МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ БУ БОРАДА МУАЙЯН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган “Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники” деб номланган лойиҳа ана шундай тадбирлар сирасига кирди. Бундан кўзланган мақсад ёш авлодни миллий аниҳаналаримиз, истиқлол ғоялари ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, истеъдодли, изланувчан ва ташаббускор йигит-қизларни излаб топиш, уларга ўз салоҳиятини намойён этишида яқиндан кўмаклашишни иборатдир.

Пойтахтимизда мазкур лойиҳа доирасидаги илк тадбирлардан бири — “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзусида ватанпарварлик, экология, санъат ва спорт йўналишида ёшлар анжумани бошланди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган олтимиз нафарга яқин имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқот-

ган оилалар фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этаётди. Андижон вилояти Пахтабод туманидаги 31-мактаб-интернатнинг 7-синф ўқувчиси Дониёр Раупов — улардан бири. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган Дониёр келажакда футболчи бўлмоқчи. У бу борадаги орзусини рўйбега чиқариш мақсадида ҳозирдаёқ кўплаб спорт мусобақаларида фаол иштирок этаётди. — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда катнашаётганимдан ниҳоятда хурсандман, — дейди Дониёр. — Пойтахтимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ҳақидаги телекўрсатувларни мириқиб томоша қилардим. Мана уларни ўз кўзим билан кўриш имкониятига эга бўлдим. Ташрифимизнинг илк кунидеяқ



“Мустақиллик ва эзгулик монументи”ни бориб кўрдик. Бахтиёр она хайкали пойга гул қўйдик. Бундай тадбирлар биз, ёшлар ўз олдимишга қўйган эзгу мақсадларимизга эришимизда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Бўлиб ўтадиган тадбир доирасида ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашди, маданий дастурларда иштирок этади, шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўради. Тадбир “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзусида иншоилар танлови голибларини тақдирлаш маросими билан якунланади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ПОКИСТОН НАШРЛАРИДА ЎЗБЕКISTОН МАВЗУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон: ислом меъморчилиги» сарлавхали мақолада Ўзбекистон ҳудудида мусулмон оламининг жуда машҳур ва эъзозли иншоотлари бунёд этилгани ҳақида хикоя қилинади. Унда Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хива шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар тафсилотлари атрафлича қаламга олинган.

Таъкидлаш жоизки, нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси бўйича ўз гўзаллиги ва улғуворлиги билан ҳамон дунё ахлини ўзига мафтун этиб келаётган қадимий ёдгорликларни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш юзасидан кенг қўллади ишлар олиб борилаётганлиги масаласига алоҳида эътибор қаратган. Яқинда ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлайдиган қадимий Самарқанд шаҳри ҳамда табаррук Ўзбекистон заминидан яшаган ва ижод қилган буюк алломаларга бағишланган мақолалар ҳам журналдан муносиб ўрин олган. Булардан ташқари, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари ҳамда республикамизда жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирлар, яъни Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизими ҳақидаги мақолалар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Шу билан бирга, Пешавор университети ҳузурдаги Минтақавий тад-

қиқотлар (Россия, Хитой, Марказий Осиё) маркази муассислигида чоп этиладиган «Марказий Осиё» номли таҳлилий тўпلامда ҳам мамлакатимизга бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди.

Ушбу марказ 1975 йилдан буён фаолият кўрсатади. У Россия, Хитой ва Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнлар таҳлилига ҳолис ва ҳаққоний ёндашадиган тадқиқот маркази сифатида ном қозонгандир.

2007 йилнинг 3 январидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Президент Ислам Каримовнинг Сингапурда чоп этиладиган «Today» газетаси муҳбирига берган «Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон» сарлавхали интервьюси матни, Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари ривожланиши ҳақида хикоя қилувчи «Покистон — Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёдаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири» сарлавхали мақолалар ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиёти, иқтисодиёт ривожини, Марказий Осиёда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар таҳлилига оид ҳамда Тошкентнинг 2007 йилда «Ислам маданияти пойтахти», деб эълон қилинган мавзусига бағишланган мақолалар ҳам ушбу тўплам саҳифалардан ўрин олган.

«Жаҳон» АА
Исломобод

МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ДАСТАБКИ ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР БУГУН ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА. БИРГИНА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЎЗИДА 66937 ЎРИНГА ЭГА БЎЛГАН 85 ТА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, 14100 ЎРИНЛИ 31 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ШУ ЖУМЛАДАН ЯНГИ ҚУРИЛИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҲИСОБИГА 30524 ЎҚУВЧИ ЎРИНГА ЭГА БЎЛГАН 38 ТА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ҲАМДА 11735 ЎРИНЛИ 22 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ИШГА ТИШИРИЛДИ.

Таълим масканларида

АМАЛИЁТ СИНОВЛАРИ

Бундан кўзланган асосий мақсад эса замонавий билим ва хунарга эга бўлган етуқ мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Бу ўқув масканларида ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур соҳалаштирилган, касбга йўналтирилган ҳолда таълим олиш даражаси таъминланади.

Биргина Учтепа туманидаги Миллий хунарамандчилик касб-хунари коллежида бу йил 228 нафар ўқувчилар катта ҳаётга йўлланма оладилар. Куни кеча коллежнинг ёғоч ўймакорлиги ва заргарлик бўлимларида битириш муносабати билан амалий синов имтиҳонлари бўлиб ўтди. Бу ҳақда коллеж директори Шухрат Иноятов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

«Ўқув масканимизда заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик ва дизайн бўлимлари битирувчилари орасида ҳар йили бошқа бўлимларга ўхшамаган ҳолда амалий синов имтиҳонларини ўтказамиз. Бунда ҳар бир ўқувчи ўз қўли билан ҳайъат комиссияси кўзи ўнгига бирор бир буюмни ясаб, тикиб ёки чизиб кўрсатиб беради. Биз унинг иқтидорини, эгаллаган билим ва малакасини шунга қараб баҳолаймиз. Таҳсил олаётган ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам зукко, тизришқоқ ва интилувчан ёшлар. Уларнинг изланувчанлигини, интилувчанлигини ва меҳнатқилигини доимо кадрлаб келамиз. Шунингдек, муассасамизда таҳсил олаётган ўқувчи ёшларимизни она Ватанимизга садоқатли ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида турли хил тадбирлар, танловлар, замонамиз илғорлари билан учрашувлар, шунингдек, бой ўтмиш тарихимизни ва ўзлимизни тараннум этувчи бадиий кечалар уюштириб тураемиз. Истардикки, бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг баркамол, етуқ билимдонлари, ўзлари эгаллаган касб-хунарларининг ҳақиқий усталари бўлиб етишсинлар.

«Жаҳон» АА
Анқара



Юқорида таъкидлаганимиздек Миллий хунарамандчилик касб-хунари коллежнинг ёғоч ўймакорлиги бўлимини 20 та, заргарлик бўлимини эса 90 нафар ёшлар битириш арасида қилинди. Ушбу мутахассислик бўйича битирувчилар амалий синов имтиҳонларини муваффақият билан топширдилар.

—Мен,—дейди коллежнинг ёғоч ўймакорлиги бўлими битирувчиси Нозил Набиев,—

«ЎЗБЕК АДАБИЁТИ» ТУРК ТИЛИДА

ЯҚИНДА ТУРКИЯДА «ЎЗБЕК АДАБИЁТИ» НОМЛИ КИТОБ ТУРК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ. АНҚАРАДАГИ ГАЗИ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОРИ, ДОКТОР ФОТИМА АЧИК МАЗКУР КИТОБНИНГ МУАЛЛИФИДР.

Нашрда XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб ижод этган ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, уларнинг машҳур асарларидан лавҳалар чоп этилган.

Ф.Ачинкин ушбу китоби муаллифининг ўзбек наصري ва шеърини ўрганиш бўйича олиб борган кўп йиллик изланишлари маҳсули бўлди.

Ўзбек заминидан яшаган ва ижод қилган қалам аҳлининг ёрқин вақиллари ҳақида китоб яратиш гоёси ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида, яъни муаллиф Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилган кезлари пайдо бўлган эди. Икки йил мобайнида у Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети турк тили кафедрасида сабоқ бергани баробарида ўзбек ёзувчи ва шоирларининг фаолиятига бағишла-

нинг ҳаёти ҳамда фаолиятини ҳам пухта ўрганган эди. Уларнинг айрим ижод намуналарини турк тилига таржима қилди.

Олимнинг фикр билдиришича, Туркия жамоатчилиги ўзбек адабиётини, асосан, ўрта асрлар шоир ва ёзувчилари қаламига мансуб асарлар орқали билишди. Мазкур китобда тадқиқ этилган давр эса туркиялик олим ва тадқиқотчилар томонидан амалда ўрганилмаган эди.


«Ўзбек адабиёти» китоби икки бўлимдан иборатдир. Унинг биринчи бўлимида муаллиф туркий тилдаги адабиётнинг исломгача бўлган даврдан то XIX аср охири ва XX аср бошига қадар бўлган давр ҳақида қисқача баён қилади.

Китобнинг иккинчи бўлими тўласинча XIX-XX аср ўзбек ёзувчи ва шоирларининг ижодий фаолиятига бағишла-

нади. Бу вақтни муаллиф «янги ўзбек адабиёти даври» деб номлаган. Китобда Исaxon Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Кодирий, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон, Элбек, Фафур Фулом, Мухаммад Ходиев (Боту), Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир каби атоқли ўзбек шоир ва адибларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида хикоя қилинади. Китобда бу муаллифларнинг машҳур асарларидан парчалар ҳам ўз ифодасини топган.

Фотима Ачинкиннинг ушбу китоби Туркия жамоатчилигида, жумладан, олим ва тадқиқотчиларда, ўзбек адабиёти ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИДА ЯШОВЧИ 200 НАФАРДАН ОРТИҚ МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ, КЎП БОЛАЛИ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛДА «ЎРИКЗОР» ДАҲАСИДАГИ ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШЛАРИ ШАҲРИМИЗНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИГА ЭКСКУРСИАЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ.



Ёз-ўтмоқда соз

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШАДИ

Дастлаб болажонлар Мустақил майдонидаги ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйдилар. «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида эса талабалар ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси республика олий ўқув консалтинг маркази битирувчилари ҳалқимиз аънава ва урф-одатларининг сақланиши, хурликка эришишимиз йўлида азиз жонларини фидо қилган юртдошларимиз хусусида сўзлаб, ўқувчиларни Ватанини эрки ва мустақиллигини эъзозлаш, унинг муҳофазаси учун доимо тайёр туришга даъват этдилар.

Темурийлар тарихи Давлат музейида ҳам Оролбўйи болалари ўша давр тарихи билан яқиндан танишиб, билимларини бойитдилар. Шаҳримизда бунёд этилаётган янги иншо-

отлар, замонавий спорт мажмуаларида яратилган шартшароитлар ҳам уларда катта таассурот қолдирди.

— Бетакрор телеминора, кўплаб музейлар, кенг ва раво йўللар, замонавий кўчалари ва яшил хиёбонлари бўлган пойтахтимиз Тошкент бизга жуда ёқди,—таассуротлари билан ўртоқлашди қорақалпоқistonлик Гулнара Ҳодиева.

Пойтахт ҳайвонот боғига экскурсиядан айниқса болажонлар жуда мамнун бўлишди. Бог узра уларнинг қувноқ кулгулари, жарангдор товушлари узоқ вақтгача янгради.

—Менга айниқса бегемот ва айиқлар жуда ёқди. Уларни биринчи бор кўришим,—дейди Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уй тарбияланувчиси Вова Сердцев.

—Оромгоҳдаги хордиқ олди-дан биз болажонларга шахримизнинг энг диққатга сазовор жойларини кўрсатиб, таассуротларини бойитишга ҳаракат қилдик,—дейди «Гулбаҳор» оромгоҳи раҳбарининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Алия Парнанкулова.—Жумладан, болаларнинг оромгоҳидаги дам олишлари ҳам шундай қизиқарли ва кўнгилли тарзда ташкил этилади. Яъни, оромгоҳнинг ўзида ташкил этиладиган маданий-маърифий, спорт, билим-қўнимларни оширишга қаратилган турли тадбирлар ва ўйинлардан ташқари А.Навий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, цирк театр майдони бўйлаб сайру саёҳатларни уюштириш, болажонларни Халқлар дўстлиги саройи билан таниш-

тишни режалаштирганмиз. Бир сўз билан айтганда, меҳр-муруватга муҳтож болаларни етакчилар, педагогика олий ўқув юрларининг талабалари, катта тажрибага эга педагоглар томонидан тайёрланган катта қизиқарли дастур кутмоқда.

— Бизнинг Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига қарашли «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз эшикларини 5 июнда очди,—дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ директори Саидмаҳмуд Аъзамов.—Меҳрибонлик уйлари 60 нафар тарбияланувчилари ҳамда Қорақалпоғistonнинг бутун ҳудудидан келган 201 нафар бола ва етти тарбиячи бизнинг дастлабки дам олувчиларимиз

амалий синов имтиҳонини ижобий топширдим. Ўзим ясаган кичкина эшик панжараси ва сандиқчалардаги лавҳалар ҳайъат аъзоларига бирдай манзур бўлди. Бу ерда олган билим ва тажриба, ўрганганларим келажакда албатта ўз ҳосилини беради. Устозларимдан жуда миннатдорман. Айниқса коллежнинг директори Шухрат ака Иноятов бизларга ўқув йиллари давомида оталарча ғамхўрлик қилдилар. Ҳар бир ишда бош-қош бўлиб турдилар. Ҳар ойда бир марта коллеж йигитларини чакриб дилдан суҳбат қурадилар, бизларнинг фикр-мулоҳазаларимиз ва тақлифларимизни сўрадилар. Биз улардан ва сабоқ бериб, хунар ўргатган барча устозларимиздан миннатдоримиз. Орзуларимиз бисёр.

Гулҷеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: коллежнинг заргарлик ва ёғоч ўймакорлиги бўлими ўқувчиларининг амалий синов имтиҳонлари жараёнидан лавҳалар.

Иқтисодиёт ЯНГИ МОСЛАМАЛАР КЎП КЕЛМОҚДА

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАРНИ ТЕХНИКАВИЙ ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШГА КИРИШИЛДИ.

Электр энергиясини тежаш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг янада оширишга қаратилган бундай тадбирлар Олмаликдаги «Аммофос» очик акциядорлик жамиятида ҳам амалга оширилмоқда.

Корхонадаги йирик агрегатлардан бир нечтаси модернизация қилинди. Аммиак ишлаб чиқаришда асосий бўлган бу хил қурилмаларни реконструкция қилишда маҳаллий ва чет эл инжиниринг компаниялари техникаларидан фойдаланиш қўл келди.

Юқори карбонатли фосфоритларни қайта ишлашга мослаштирилган замонавий қурилмаларни ўрнатилган ҳам кўзда тутилди.

Айни вақтда фосфоритлардан сульфат оммонийси тайёрлашга мослаштирилган янги тажриба-саноат мосламаларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ ЗАВОДИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ БАЗОАР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЦЕХЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРА БОРИБ, ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ЯНГИ, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБОШ СААНТЕХНИКА МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАМОҚДА.

Мазкур жамият тадбиркорларининг самарали саъй-ҳаракатлари, ишчи-хизматчиларнинг касб маҳорати тўғрисида турт ой давомида 55,868 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йил охиригача ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот сотиш ҳажми 450 миллион сўмни ташкил этиши қатъий режалаштирилган.

Эътиборли томони, корхона маҳсулотларига эҳтиёж ва талаб жуда чуқур ўрганилади ва шунга қараб асосан буюртмалар асосида фаолият кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ўтган — 2006 йилга нисбатан жорий йилнинг мос даври мобайнида заводда ишлаб чиқариш 135 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис ҳам ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ошди, меҳнат шартлоари ҳам сезиларли яхшиланди.

БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ

ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҲАР БИР КОРХОНА, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ҲАМДА ХАРИДОРГИЛИНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ.

Учтепа туманида 2002 йилдан буён фаолият юритаётган «NASIBA-TOHIR» хусусий корхонаси жамоаси ҳам тўғри йўлини топганлар сирасига қиради. 8 нафардан иборат тажрибали, қўли гул тикувчилар ҳамда мохир хунарамандлар меҳнат қилаётган мазкур корхонада пойтахтимизда фаолият юритаётган қўшимча таълим марказлари, ижодий уйлари жамоалари, болалар дасталари учун аънавий услубда, замонавий, классик, башанг ҳамда эскюзивер костюмлар, бежирим либослар, турли халқ эртақлари қаҳрамонларининг кийимлари тикилади.

Эътиборли томони, кейинги йилларда миллий матолашимиз — атлас, адрас, бекасам, шойилардан кийим-кечаклар тикилмоқда. Шунингдек, республикамизда истикомат қилаётган қардош миллатларнинг миллий кийимларига ҳам буюртмалар анчагина.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МОБИЛ ТЎЛОВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ ОПАМИДА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

АХБОРОТ АСРИ ДЕБ НОМ ОЛГАН — XXИ АСРДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖИ ЖАДАЛ СУРАТЛАР БИЛАН ЎСИБ БЕРМОҚДА.

Бу ўзгаришларни ҳозирда жамиятнинг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Мобил тўловлар технологияси оламининг такомиллашиши ва янги хизмат турларининг кўпайиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.


Миллий матбуот марказида тўлов қабул қилиш соҳасидаги янгилик — PAYNET компаниясининг «Paynet Mobile» технологияси тақдироти бўлиб ўтди.

PAYNET компанияси ўз фаолиятини 2006 йил август ойида бошлаган бўлиб, ҳозирда республикамиз аҳолисидан телекоммуникация ва бошқа хизмат турлари учун тўловлар қабул қилиш, ушбу тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилотларга етказиб бериш каби хизматларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Бу тўловлар йирик диллерлик тармоғи «он-лайн» орқали йўлга қўйилган. Тўланган пул миқдори ҳақидаги маълумот тез суратда тўловчининг ҳисоб рақамига тушиши таъминланганлиги компания томонидан яратилган қулайликдир. Айни пайтда PAYNET тизими орқали уяли алоқа, Интернет, халқаро ва шаҳарлараро телефон хизмат турлари учун тўловлар қабул қилинаётган. Асосий уяли алоқа операторлари ҳисобланган МТС, Билайн ва ўндан зиёд интернет, халқаро телефон хизмат турларига тўлов қабул қилиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузган. Ҳозирда республикамиз бўйича олти юздан зиёд PAYNET тўлов пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Тўлов пунктлари катта савдо мажмуалари ҳамда яқна тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қамраб олган.

— Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб компаниямиз, янги технология, яъни уяли телефон орқали тўловлар қабул қилиниши йўлга қўйди, — дейди компаниянинг маркетинг бўйича директори Музаффар Комилов. — Биз тавсия этаётган бу хизмат тури жаҳон талабларига тўла жавоб беради.

Бу хизмат турининг қулайлиги турли техника жиҳозлари талаб этилмишгидир. Эндиликда истеъмолчилар хоҳлаган пайтда, хоҳлаган жойда ва хоҳлаган тарзда бу хизмат туридан фойдаланиш имконига эга. Келгусида PAYNET компанияси республикамиз аҳолисига янги, қулай, замонавий ҳамда сифатли хизмат турларини ишлашда давом этади.

Рахшона ТОШПЎЛОВА,
«Туркисон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ
ХИКМАТЛАР

Бахтлидир ул кимса, ўзни ўнглади.
Гар биров эрмас эса яхшига ёр,
Йўқ ажаб, бўлмиш ёмонларга дучор.
Макр—чақмоқдир, оёгингдан чалар.
Нафс хамиша ҳозир ҳар ердадир,
Қибласи дунё эмишким, мурдадир.
Нафски бузгай ахдни, сен ўлдир ани.
Сохта дерки, бўйла ўтгай ҳар дамим,
Эй асл, айт, борму сендин бир камим?
Зар ушалса, қиймати бўлгаими оз?
Кўрса эрди сохта ул охирни то,
Бошданок бўлгайди балки юз қаро.
Юз қаро бўлсайди бошдин ул нифок,
Ўзни тутгайди ёмонлиқдин йироқ.
Бокмагил аввалга сен, охирни кўр.
Яхшироқ бок, эй балик, қармоқни кўр,
Иштаханг этмиш магар дийдангни кўр.
Яхшилаб бок, кўзни четга бурма сен,
Кўлни кўр, ёлғиз камонни кўрма сен.
Гар тилинг мадҳу санолар сўйлагай,
Холу аҳволинг шикоят айлағай.
Одамий гар уйку, овкат бирла банд,
Оқибатда лек малойикдин баланд.
Одамий зулматни равшан айлағай,
Дашту сахроларни гулшан айлағай.
Дарду ғам келса, бировни айблама,
Дарду ғамлар ул ўзингдандир ҳама.
Бошқаларга сен-да нохушсен, дағал,
Лек юҳо нафсинг-ла хушсен ҳар маҳал.
Бир касалдин элга келгай юз бало,
Бир киши бўлгай балаго мубтало.
Гарчи нодон менга гоҳ ҳалво тутар,
Гар есам, ул хаставу бемор этар.
Одамийга нур эмиш асли емиш,
Жон фақат нур бирла тоғгай парвариш.
Йўқ матоҳни изламоқдин не самар?
Ҳамнишин эрса агарда душманинг,
Гулшан ичра гулхан эрмиш масканинг.
Дўстга озор берма, ман-ман этмагил,
Берма кўлдин, дўстни душман этмагил.
Дўстга доим дўст дебон солгил назар,
Кинадин келтирма кўнглига зарар.
Улки душман, қоч нари, парҳез ила,
Маслаҳат қил ёри меҳрангез ила.
Ақли имон миршаби оқил эрур—
Ки, кўнгил шаҳрига ул ҳоким эрур.
Ўғриллар бирлан тўло эрса шаҳар,
Унда миршаб борлигинин не самар.
Гар ўтин йўқ эрса, оташдир адо.
Кимки голиб эрса, ҳукм этгувчи ул.
Ул малойиклар-да кўкда фарқ қилар,
Шул сабаб саф-саф бўлиб тургай улар.
...манманлик ёмон бир феълу хўй.
Гарчи гувлар айқириб пойида сув,
Ўлтирур бошдин-оёқ гўнг ичра у.
Демагил, япроғи сарғаймиш магар,
Сен етишган меваларга сол назар.
Жим туриш—денгиз, сўзинг—ирмоқ ҳама,
Денгизинг турганда ирмоқ излама.
Чун эшитмоқ ўзга, кўрмоқ ўзгача.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



«Универсиада — 2007» олдидан

**СОҒЛОМ РҲҲ — БҮЮК
ҒАЛАБАЛАР ҚАДИТИ**

**МАЪЛУМКИ, ТОБОРА
ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН
«УНИВЕРСИАДА — 2007» СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИ «ЁШЛИК»
ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР
АССОЦИАЦИЯСИ ВА ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ СПОРТ
МАЖМУАЛАРИДА БЎЛИБ
ЎТАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғриси-

да»ги Қарорига мувофиқ спорт иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу жумладан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида ҳам кенг қамровли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ердаги замон талабига тўла жавоб берадиган спорт мажмуаларида баскетбол, кўл тўпи, стол тенниси, сузиш, футбол бўйича беллашувлар ўтказилиши кўзда тутилган. Янги қад рўстлаган Сув спорти саройи мажмуаси ҳам катта спорт байрамига тайёр қилиб қўйилган. Тўрт кун давомида йигит-қизлар ўртасида сузишнинг бир нечта тури (чалқанча сузиш, эркин усулда сузиш, брасс, эркин усулда эстафета, баттерфляй, мажмуавий сузиш) бўйича мусобақалар бўлиб ўтади.

Заҳматкашларимиз

**ИЛМ ДУРЛАРИНИ
СОҶАВЕР, УСТОЗ!**

Усто, муаллимиз қалса бу жаҳон,
Қоронгу зулматга айланар шу он.

**ДАРҲАҚИҚАТ, УСТОЗ,
МУАЛЛИМЛАР БОРКИ
ИНСОНИАТ ОНГУ ШУУРИ
ИЛМ-МАЪРИФАТ,
МАЪНАВИЯТ НУРИ БИЛАН
ЧАРОҒОН. УСТОЗЛАРНИНГ
БЕРГАН САБОҒИ, ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯСИ, ПАНДУ
НАСИХАТЛАРИ, ЎГИТЛАРИ
ДОИМО ЙЎЛИМИЗНИ
МУНАВВАР ҚИЛИБ,
КОМИЛЛИК САРИ
ЕТАКЛАЙДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабда ўқувчиларга биология фанидан сабоқ бериб келаётган Соҳиба Исломова ўқувчилари доимо эъозлаб, ҳурмат қилишади. Чунки Соҳиба опа ўқувчиларига ўз фарзандларидек меҳр билан таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг келгусида ҳар томонлама комил, билимли инсон бўлишлари учун дарсларни иложи борида болалар онгига

чуқурроқ синдириш мақсадида қизиқарли машғулотлар билан бошлашга ҳаракат қилади. Шу боис бўлса керак, ўқувчилари орасида кимё-биология фанига қизиқувчилар кўпчилиги ташкил қилади. Шунингдек, 2006 йилда ўтказилган фан олимпиадаларида иштирок этган ўқувчилари орасидан ҳам голиблар чиқиб, улар лицейларга имтиёзли ўқишга қабул қилинганлар.

Бугунги кунда ўқувчилари орасида тиббиёт соҳасида олий ўқув юртида билим олаётганлар ҳам талайгина.

— Мактабимизда тажрибали, ўз касбига меҳр қўйган, фидойи ўқитувчиларимиз кўп. Улар орасида Соҳиба Исломованинг номи алоҳида тилга олгим керак,— дейди мазкур мактаб директори Бахтинисо Пулатова. — Мана қарийб 22 йилдан буюн шу мактабда болаларга меҳр нурини, бор билимини бериб келмоқда. Соҳиба ўз касбини севадиган, биология фанининг илдирилари ўқувчилар онгига чу-

кур синдира оладиган ўқитувчиларимиздан. Шунингдек, тренажёр зали, мураббийларга мўлжалланган ҳамда дам олиш хоналари ўз ичига жамлаган бўлиб, тан олиш керак, меъморий ечимини инobatга олган ҳолда Талабалар шаҳарчаси кўрғига ўзига хос жозиба бахш этмоқда.

Катта тайёргарлик кетаётган Универсиада ўйинлари келажақда янги-янги чемпионларни кашф этиши шубҳасиз. Шу билан бирга соғлом авлоднинг шакллантириш борасида бош йўл демак ҳам адашмаймиз.

**Озода ЯХШИБОВЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети
журналистика факультети
талабаси.**

Футбол

МУҲИМ УЧ ОЧКО


ЎТГАН КУНИ

АНДИЖОНДА УОШТИРИЛГАН «АНДИЖОН-ЎЗ» — «ПАХТАКОР» ЖАМОАЛАРИ УЧРАШУВИ БИЛАН МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 12-ТУР БАҲСЛАРИ НИХОЯСИГА ЕТДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсумда турнир жадалида ҳозирча иккинчи поғонада бораётган бўлсада, мамлакат чемпиони «Пахтакор» мутахассислару мухлислар эътироф этганидек, голибликка асосий даъвогар ҳисобланмоқда. Буни андижонликлар билан сафарда бўлиб ўтган учрашув яна бир қарра исботлади, Меҳсонларга қараганда тезкор ва комбинацион ўйин намойиш этган Равшан Ҳайдаров шогирдлари 90 дақиқа мобайнида рақиблари дарвозасига учта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бор-йўғи биттагина гол ўтказиб юборишди. Асосан тошкентликларнинг устунлиги остида кетган баҳсда дарвозаларга тўплари «Пахтакор»дан—Жепаров(2та), Гейрих, «Андижон-Ўз»дан—Раимжоновлар йўллашга муваффақ бўлишди.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 13-тур беллашувлари 17,18 июнь кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ



Ўқувчиларимизнинг ютуқларини эшитганда бошим осмонга етади. Улар билан фахрланаман, албатта. Зеро, бу менинг заҳматли меҳнатларим мевасидир.

Ҳа, ахил ва тотув жамоада фаолият юритиб келаётган Соҳиба Исломова шу мактабда кўп йиллар соғломликни меҳнат қилган тажрибали устоз-мураббийлардан ўрнак олиб, болаларга меҳр-муҳаббатни, ширин муомаласи, ўқувчиларнинг кўнглига йўл топа олиши, жонқуярлиги билан ўзи ҳам энг сеvimли ўқитувчи айланган. Айна кунда мактабни битирув имтиҳонларини топшираёт-

ган ўқувчилар устозлари Соҳиба опадан ниҳоятда миннатдор эканликларини изҳор этишмоқда. Қадрдон мактаб, азиз устозлар билан хайрлашиш оғир эканини таъкидлашмоқда. Зеро, халқимизда «Устоз отангдек улуг» деган нақл бежиз айтилмаган. Ёшлар онгига илму маърифат дурларини сочаётган Соҳиба Исломова сингари устозларнинг эзгу ишлари ўқувчилари ёдида бир умр ширин хотира бўлиб қолиши шубҳасиз.

**Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Соҳиба Исломова ўқувчилари даврасида**

**МАМЛАКАТИМИЗДА 2004 ЙИЛДАН
БОШЛАБ 14 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО
ДОНОРЛАР КУНИ ҲАР ЙИЛИ «ҚОН —
БУ ҲАЁТ МАНБАИ» ШИОРИ ОСТИДА
ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА. ДОНОР
НИМА, ДОНОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ,
АҲОЛИ САЛОМАТЛИгини САҚЛАШДА
ҚОН ХИЗМАТИНИНГ АҲАМИЯТИ
ҲАҚИДА «ҚОН ПРЕПАРАТЛАРИ»
ИЛМИЙ- ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
КОРХОНАСИ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ
МЕТДИК БЎЛИМ МУДИРИ ДИЛНОРА
АҲМЕДОВА БИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ
ГАПИРИБ БЕРДИ:**

— Қон хизматида донор қонини олиш, тайёрлаш, қайта ишлаб чиқариш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини қон, унинг таркибий қисмлари препаратлари билан таъминлаш вазифалари киредаи.

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси пойтахт аҳолисига қон хизматларини кўрсатуви бош муассаса ҳисобланиб, Тошкент шаҳар қон хизмати қосида йирки даволаш-профилактика муассасалари ичида жойлашган 9 та қон қуйиш бўлиmlарини ўз таркибига киритган. Шаҳримизда 2006 йил декабрь ойида қон хизмати тизими ўзгартирилди, яъни қон қуйиш бўлиmlарида эндиликда қон фақат олинади, қайта ишлаб чиқариш ва анализ таҳлилларни ўтказиш «Қон препаратлари» ИИЧКда амалга оширилади.

Бугун — Халқаро донорлар куни

ҚОН — БУ ҲАЁТ МАНБАИ

Бундан аққол кўриниб турибдики, келажақда шаҳримиз қон хизмати ривожланган мамлакатларга ўхшаш қон қуйиш марказига айланади. Энг муҳими кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан қон хизматида катта эътибор қаратилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, қон хизматида донор асосий омил. Донор сўзи лотин тилидан олиниб, допо—ҳадя қиламан, бағишлайман, деган маънони англатади. Донорлар 4 толарга бўлинади: биринчиси фаол донорлар, иккинчиси—резерв донорлар, учинчиси— беморнинг қандош-уруғлари ва тўртинчиси ауто донорлар. Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунига асосан донорларнинг қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд: соғлиги сақланиши кафолатининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланиши, соғлигига бевзарарлиги, бепул овқат билан таъминланиши, маълумотнома бериледи (и ш ҳақи сақланади). Қон донори 18 ёшга етган, бевзарар, ихтиёрий равишда қон берувчи шахсдир. Қон топширишдан аввал донорлар (Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлган) паспорти билан қабул қилинади ва албатта тиббий қурқдан ўтишлари зарур. Донордан 400-440 мл гача қон олиш мумкин. Бунда донорнинг соғли-

ғига ҳеч қандай зиён етмайди. Бизнинг корхонамизда 30 йилдан бери донорлик қилиб юрган ҳамшаҳарларимиз кўп, уларнинг санолатлиги яхши.

Шуни айтиш жоизки, донорлар қонидан ишлаб чиқариладиган қон, унинг компонентлари ва препаратларининг ўрнини бошқа дори воситалари боса олмайди. Шунинг учун ҳам корхонада тайёрланган қон юз фоиз қайта ишлаб чиқарилади, чиқариладиган маҳсулотларнинг турини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича доимий иш олиб боришмоқда. Корхонанинг маҳсулотлари эритроцитар масса, стафилококка қарши плазма, янги музлатилган плазма, криопреципитат, альбумин, глюнат, иммуноглобулин каби турли хилдаги дори воситаларидир. Ўзбекистонда биринчи марта мазкур корхонада 2002 йилда кўп йиринг таёқчасига қарши иммуноглобулин препаратни яратилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, корхона фуқаролардан қон олишда ва олинган қонни қуйишда бир марталик пластик гемаконлардан фойдаланмоқда. Гемакон билан ишлашда эса қоннинг бактериологик инфлоланиши ва донорлар қонининг инфекцияланиши эҳтимоли йўқ. Корхонамиз тизимида қон хавфсизлигини таъминлаш учун Ягона Донорлик Маркази (ЯДМ), қон тайёрлаш

бўлими, кўчма бригада, диагностика, клиника — биокимёвий ва иммунология лабораториялари, қон препаратлари, техник назорат, марказий стерилизация ва экспедиция бўлиmlари мавжуд. Лаборатория ва бўлим ходимлари доимий равишда ўз малакаларини оширишда семинар ва тренингларда қатнашадилар. «Қон препаратлари» ИИЧК таркибиде кўчма бригада бўлиб, у элликдан ортқ ташкилот ва ишлаб чиқариш муассасаларида фаолият кўрсатади. Корхонанинг лаборатория хизмати донорлар саломатлигини назорат қилиб, улар қонини клиник биохимик таҳлил қилиб, тиббий зарарсизланиши чораларини кўради.

Итжмоий ҳимоя йили муносабати билан жорий йилда тиббиёт ходимлари ўз ихтиёрлари билан қон топшириб, беморларга катта ёрдам кўрсатишмоқда. Бадалсиз донорларни кўпайтириш, қон хавфсизлигини таъминлаш ва сақлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан 2005 йилда «Қон—эл хизматида» жамағармаси ташкил этилди. Бу жамағарма донорлар сафини оширишда ва уларга шарт-шароит яратишда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қон тўлиқ қонини нишонлаш мақсади фақатгина янги донорлар сафини ошириш эмас, балки қон топшириб, бизнинг ишимизни энгиллаштиришда яқиндан ёрдам бераётган, қандайдан— қанча беморларни ўлим чағалидан олиб қолишга катта ҳисса қўшаётган донорларимизга миннатдорчилик билдиришдан иборатдир.

Гулором ҲАМИДОВА суҳбатлашди

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
очик аукцион савдоларига таклиф этади

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари арзонлаштирилган баҳода, тақоран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилири бўлинимаси томонидан 09.08.2005 йилдаги 18404-сон ва 10.07.2006 йилдаги 11718-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, МХХ комендатурасида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10 R 1896 бўлган, «Mercedes-Bens S600» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси - 72 000 000 сўм.
2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилири бўлинимаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 07.02.2006 йилдаги 1-632-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар «Себзор» номили автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10 V 2288 бўлган, «Mercedes-Bens S320» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси - 864 000 сўм.
3. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилири бўлинимаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 01.08.2005 йилдаги 2-192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар «Себзор» номили автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, Қозғистон Республикаси давлат рақами Х391НО бўлган, «Ауди-100» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси - 3 600 000 сўм.
4. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилири бўлинимаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 26.05.2006 йилдаги 1-106-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар «Себзор» номили автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, Қозғистон Республикаси давлат рақами Х283FUM бўлган, «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси - 864 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари билан туман суд

ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 10, 17, 24 ва 31 июль кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтаилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нускада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 12:00